



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

4 (78) 2025

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЬЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А.ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Д.А. ХАСАНОВА
Б.З. ХАМДАМОВ
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ NEW DAY IN MEDICINE

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

4 (78)

2025

апрель

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com> E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

УДК 616.006.3

ЭКОЛОГИК НОҚУЛАЙ ОРОЛБЎЙИ ХУДУДЛАРИДА СУЯК, ТОҒАЙ ВА ЮМШОҚ ТЎҚИМАЛАР ЎСМАЛАРИНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

¹ Отаханов Ботир Режабович, ²Баҳром Юлдашев

¹Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали Ўзбекистон, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси 28-уй Тел: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgiltma.uz

²«Маъмун университети» Ўзбекистон Хоразм вилояти, Хива, Бол-ховуз 2.
тел: +998 (90) 431-87-77 <https://www.goldenpages.uz>

✓ Резюме

Мақолада Оролбўйи худуди бўлган Хоразм вилоятида суяк, тоғай, бириктирувчи ва юмшоқ тўқималарнинг ўсмалари тарқалиши ҳолати, Ўзбекистон Республикаси онкология ва радиология ихтисослашган илмий-амалий маркази Хоразм филиалининг 207 нафар беморлари материаллари асосида ўрганилган, бунда беморларнинг яшаш ҳудудлари, ёш категориялари атрофлича таҳлил қилиб чиқилган. Олинган маълумотлар натижасида бу ўсмалар тарқалиши юзасидан онкология хизматини яхшилаш бўйича тавсиялар киритиш кўзда тутилган.

Калит сўзлар: суяк, тоғай, бириктирувчи, юмшоқ тўқима ўсмалари.

ЭПИДЕМИОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ОПУХОЛЕЙ КОСТЕЙ, КОЖИ И МЯГКИХ ТКАНЕЙ В ЭКОЛОГИЧЕСКИ НЕБЛАГОПРИЯТНЫХ ПРИБРЕЖНЫХ РАЙОНАХ

¹ Отаханов Ботир Режабович, ²Баҳром Юлдашев

¹Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии Узбекистан, Хорезмская область, город Ургенч, улица Ал-Хорезми №28 Тел: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgiltma.uz

²«Университет Маъмуна», Хорезмская область Узбекистана, г. Хива, Бол-ховуз 2.
телефон: +998 (90) 431-87-77 <https://www.goldenpages.uz>

✓ Резюме

В статье приводятся данные материалов по распространенности, а также по возрастным категориям опухолей костей, хряща, соединительной и мягких тканей 207 больных которые лечились в Хорезмском филиале специализированного научно-практического центра онкологии и радиологии Республики Узбекистан. По полученным данным предусматривается разработка рекомендаций по улучшению онкологической службы в регионе.

Ключевые слова: опухоли костей, хряща, соединительной ткани.

EPIDEMIOLOGICAL CHARACTERISTICS OF BONE, SKIN AND SOFT TISSUE TUMORS IN ECOLOGICALLY ADVERSE COASTAL AREAS

¹Otakhanov Botyr Rejabovich, ²Bakhrom Yuldashev

¹Urgench branch of the Tashkent Medical Academy Uzbekistan, Khorezm region, Urgench city, Al-Khorezmi street No. 28 Tel: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgiltma.uz

²«Mamun University» Uzbekistan Khorazm region, Khiva, Bol-govuz 2.
tel: +998 (90) 431-87-77 <https://www.goldenpages.uz/>

✓ **Resume**

The article presents data on the prevalence and age categories of bone, cartilage, connective and soft tissue tumours of 207 patients treated in the Khorezm branch of the Specialised Scientific and Practical Centre of Oncology and Radiology of the Republic of Uzbekistan. According to the obtained data it is envisaged to develop recommendations on improvement of oncological service in the region.

Key words: bone, cartilage, connective tissue tumours.

Долзарблиги

Онкологик касалликлар билан касалланиш атроф - муҳит омилларининг аҳоли саломатлигига махсус таъсирини кўрсатадиган муҳим кўрсаткичлардан саналади. Қозоғистон республикасида болаларнинг ёмон сифатли ўсмалар билан касалланиш ҳолати ҳар бир 100 минг болага 2005-йилда 8,4 ни ташкил қилган. Бу ҳолат асосан канцероген ва коканцероген омилларнинг атроф-муҳитда кўп тарқалганлиги билан изоҳланади. Экологик катастрофанинг юзага келишидаги асосий омил Орол денгизи сатҳининг пасайиб кетиши, сувнинг тузланиши ғарбий қисмларда 110-112 г/литрга етиши, шарқий котлованда - 280 г/л га етиши билан боғланади [Якубова А.Т. ва бошқ. 2020]. Орол денгизининг қуруқликка айланган қисми 4,0 млн га ни ташкил қилмоқда. Қуриган денгиз остидаги майдонлардаги солончаклардан ҳар йили атмосферага 65 тонна канцероген моддалар кўтарилиши кузатилади ва улар асосан парчаланмайдиган оғир металл тузлари ва хлороорганик пестицидлардан ташкил топиб, цитогенетик кўрсаткичларнинг ўзгаришларга олиб келади. Болалардаги бирламчи ўсма касалликлари структурасида лимфоид ва кон яратувчи тўқима ўсмалари, кейинги ўринларда суяк, бириктирувчи тўқима, тери ўсмалари ва ҳазм тизими ўсмалари жойлашган. Шу юқорида кўрсатилган жиҳатларни инобатга олган ҳолда яна экологик ноқулай шароитда жойлашган Ҳоразм вилояти ҳудудларида суяк, тоғай, бириктирувчи ва юмшоқ тўқима ўсмаларининг тарқалиши ҳолатини, морфологик хусусиятларини ўрганиш катта қизиқиш уйғотади.

Илмий тадқиқотнинг мақсади. Оролбўйи ҳудуди саналадиган Ҳоразм вилоятида суяк, тоғай ва юмшоқ тўқималар ўсмаларининг ҳудудийлик бўйича тарқалишини, ёшга боғлиқ хусусиятларини ва онкологик тизимни ушбу йўналишда такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Илмий ишнинг материал ва методлари

Тадқиқот учун материал Ўзбекистон Республикаси онкология ва радиология ихтисослашган илмий - амалий маркази Ҳоразм филиалининг 207 нафар беморлари материаллари асосида ўрганилган, бунда беморларнинг яшаш ҳудудлари, ёш категориялари, ўсмаларнинг турлари уларнинг касаллик тарихлари, амбулатор карталари бўйича таҳлил қилиб чиқилган.

Натижа ва таҳлиллар

Тадқиқот учун олинган касаллик тарихларидан беморларнинг Ҳоразм вилояти ҳудудлари бўйича жойлашуви, ёшлар гуруҳлари бўйича учраши, ўсмаларнинг гистологик хараakterистикаси бўйича гуруҳларга бўлиб ўрганилди.

Ҳоразм вилояти ҳудудлари бўйича раklarнинг тарқалиши куйидаги кўринишда бўлди: 207 та ҳолатнинг 33 таси (15,9%) Хонқа тумани, 25 таси (12,1%) Хазорасп тумани, 21 таси (10,1%) Боғот тумани, 20 таси (9,7%) Урганч тумани, 19 таси (9,2%) Қўшқўпир тумани, Ҳива ва Шовот туманларида 17 тадан (8,2% дан), Гурлан туманида 15 нафар (7,2%), Урганч шаҳарда 13 нафар (6,3%), Янгибозор туманида 10 таси (4,8%), Янгиариқ ва Тупроққалъа туманларида 8 тадан (3,9% дан) ҳамда Ҳива шаҳрида 1 нафар (0,003%)

Ўсмаларнинг Ҳоразм вилояти ҳудудлари бўйича тақсимланиши n=207

Жадвал 1.

N	Ҳудудлар	Абсолют сонда	Ҳоизда
1.	Боғот тумани	21	10,1%
2	Гурлан тумани	15	7,2%
3	Қўшқўпир тумани	19	9,2%
4	Тупроққалъа тумани	8	3,9%
5	Урганч тумани	20	9,7%
6	Урганч шаҳри	13	6,3%
7	Ҳива тумани	17	8,2%
8	Ҳива шаҳри	1	0,003%
9	Хонқа тумани	33	15,9%
10	Хазорасп тумани	25	12,1%
11	Шовот тумани	17	8,2%
12	Янгиариқ тумани	8	3,9%
13	Янгибозор тумани	10	4,8%
Ҳами		207	100%



Ўсмаларни ёшлар гуруҳлари бўйича таҳлил қилинганда қуйидаги ҳолат кузатилди: 1-30 ёш гуруҳидагилар орасида жами 101 та ҳолат қайд қилиниб барча ўсмаларнинг 49,3% ни ташкил қилган бўлса, буларнинг 51 нафари эркакларда, 50 нафари аёлларда кузатилган.

31-50 ёш гуруҳидагилар орасида 57 та ҳолат 27,5% да, шундан эркакларда 31 та, аёлларда эса 26 таси қайд қилинган.

51-70 ёш категориясида эса 37 та ҳолатда қайд қилиниб 17,9% да кузатилди, булардан 22 таси эркаклар, 15 таси аёлларни ташкил қилади.

71-90 ёшлилар орасида эса 12 та ҳолат кузатилди 5,8%. Шундан, 5 нафари эркакларда, 7 нафари аёлларда қайд этилган. (жадвал 2).

Ўсмаларнинг ёш категориялари бўйича тақсимланиши n=207

Жадвал 2.

N	Ёш гуруҳлари	Сони	Эркакларда	Аёлларда	%
1	1-30 ёшгача	101	51	50	48,8%
2	31-50 ёшгача	57	31	26	27,5%
3	51-70 ёшгача	37	22	15	17,9%
4	71-90 ёшгача	12	5	7	5,8%
5	Жами	207	109	98	100 %

Ёш гуруҳлари бўйича ўтказилган таҳлил натижалари. n=207

Жадвал 3

N	Ёш гуруҳлари	Эркаклар	Аёллар	Фоиизи	Жами
1	1 ёшгача	6	12	8,7	18
2	5-ёшгача	3	2	2,9	5
3	10-ёшгача	2	6	3,9	8
4	15-ёшгача	11	5	7,8	16
5	20-ёшгача	12	9	10,1	21
6	25-ёшгача	11	7	8,7	18
7	30-ёшгача	6	9	7,2	15
8	40-ёшгача	17	17	16,4	34
9	50-ёшгача	14	9	11,1	23
10	60-ёшгача	14	9	11,1	23
11	70-ёшгача	8	6	6,8	14
12	80-ёшгача	3	5	3,9	8
13	90-ёшгача	2	2	1,9	4
14	Жами	109	98	100	207

Ёш гуруҳлари ичида таҳлил ўтказилганида 1 ёшгача бўлган болалар орасида касалланиш 18 нафар бола орасида кузатилиб, барча ҳолатларнинг 8,7 % ни ташкил қилган бўлса, улардан 6 нафари ўғил болалар, 12 нафари эса қиз болалар орасида аниқланган. 5 ёшгача бўлган болалар орасида касалланиш 5 та ҳолатда кузатилиб уларнинг 3 нафари ўғил болалар 2 нафари қиз болалар бўлиб жами ҳолатларнинг 2,9 %, 10 ёшгача бўлган болаларда 3,9 % ҳолатда аниқланиб, 8 нафар болада (2 нафар ўғил, 6 нафар қиз) кузатилган. 15 ёшгача бўлган болаларда учраш ҳолати 7,8 % 16 нафар ўсмирда (11 нафар ўғил, 5 нафар қиз) кузатилди. 20 ёшгача бўлган ёшларда касаллик миқдори ортиб 21 нафар беморни ташкил қилиб 10,1% (12 нафар эркак, 9 нафар аёл) ҳолатда қайд қилинди. 21 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёш категориясида 33 та ҳолат аниқланди ва уларнинг 17 нафарини эркаклар, 16 нафарини аёллар ташкил қилиб жами ҳолатларнинг 15,9 % да кузатилди. Ўрта 31-40 ёшли инсонлар орасида касалликнинг учраши ортиб бориб, 34 та беморда

кузатилди (16,4%) ва жинслар орасида тенг тақсимланди (17-17), 41 ёшдан 60 ёшгача бўлган инсонларда жами 46 та ҳолатда аниқланиб, 50 ёшгача бўлганларда 23 та ҳолат, 60 ёшгача бўлганларда ҳам 23 ҳолатда кузатилиб умумий касалланишнинг 22,2% ни ташкил қилган ва уларнинг 28 нафари эркеклар 18 нафари эса аёллар бўлган. 61 ёшдан бошлаб то 90 ёшгача бўлганлар орасида касалланиш камайиш тенденциясини намоён қилди ва 70 ёшгача бўлганларда 14 та ҳолат 6,8% (8 эркек, 6 аёл), 80 ёшгача бўлганларда 8 та ҳолат 3,9% (3 эркек 5 аёл), 90 ёшгача бўлганлар орасида 4 та ҳолат 1,9% (2 эркек 2 аёл) кузатилди. Бу ҳолатни ўсмаларнинг яхши сифатли кўринишда бўлганлиги ёки беморларнинг бу ёшларга кўп ҳам етиб бормаслиги билан изоҳлаш мумкин (жадвал 3).

Жадвалдан кўришиб турганидек ўсма ҳолатларининг энг кўп учраш ҳолатлари 31 ёшдан 40 ёшгача бўлган беморлар орасида кузатилиб, 34 та ҳолатда қайд қилинган ва бу барча ҳолатларнинг 16,4 % ни ташкил қилади, кейинги ўринларни 41-50, 51-60 ёшгача бўлган гуруҳлар эгаллади ва ҳар иккаласида 23 тадан ҳолат кузатилиб, умумий кўринишда 22,2 % ни ташкил қилди. Бу кўрсаткичлар адабиётларда кўрсатилган бу турдаги ўсмаларнинг ёш болаларда кўпроқ учраши тўғрисидаги маълумотлардан бироз фарқ қилади.

Хулоса

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки Ҳоразм вилоятининг Хонқа, Хазорасп, Боғот, Урганч туманларида касалликнинг кўп учраш ҳолатлари қайд қилинди, бу ҳола эса бу туманларда бу ўсмаларнинг ривожланиш сабаблари, бошқа таъсир омилларини чуқурроқ ўрганиш, онкологик эҳтиёткорлик чораларини кучайтиришни талаб қилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Азада Б. Я., Умида Б. П. Проблемы здоровья связанные с экологией среди населения Приаралья // Авиценна. 2017;13:12-14.
2. Аскарова Р. Влияние Аральского кризиса на здоровье населения в Хо-резмской области // In Library. 2021;21(3):80-87.
3. Ибраева Л. К. и др. Установление причинно-следственной связи формирования эколого-зависимых заболеваний у взрослого населения Приаралья при действии эколого-гигиенических факторов // Гигиена труда и медицинская экология. 2017;2(55):69-95.
4. Исаева Раушан Биномовна Особенности сочетанной хронической патологии у детей в экологически неблагополучных регионах Приаралья Дис... докт. Мед. Наук.-М., 2007.- 24 с.
5. Каипбергенов М. Б. Ретроспективный анализ частоты встречаемости онкологических заболеваний у населения Приаралья // Фундаментальная наука и клиническая медицина. – 2021. – С. 462-463.
6. Кисаев Е. В. Особенности заболеваемости злокачественными опухолями центральной нервной системы в зонах экологического бедствия Казахстана // Наука и новые технологии. 2013;2:81-83.

Қабул қилинган сана 20.03.2025